



## Истеъмол кайфияти шарҳи

2021 йил III чорак

## Истеъмол кайфияти шарҳи


Марказий банк томонидан аҳолининг турли гуруҳлари истеъмол кайфиятини ўрганиш бўйича навбатдаги сўровлар ўтказилди. Ушбу ўрганишга респондентларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби, мавжуд пул-маблағларини жамғаришга бўлган мойиллиги, шунингдек, уларнинг келгусида кредитга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва таҳлил қилиш бўйича саволлар киритилган.

Шарҳни тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад, аҳолининг турли қатламлари орасида ўтказилган сўровлар натижасида респондентларнинг келгусида истеъмол кайфияти ва талабини шаклланиши ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни, шу билан бирга, иқтисодиётда талаб томондан инфляцион босимларнинг юзага келиш эҳтимолларини ўрганишдан иборат.

### 1. Истеъмол кайфияти индекси

2021 йилнинг III чораги якунлари бўйича **Истеъмол кайфияти индекси<sup>1</sup> (ИКИ)** 24,8 бандни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич II чорак натижаларига нисбатан 1,2 бандга секинлашган бўлсада, I чоракка яқин даражада шаклланди.

1-расм. Истеъмол кайфияти индекси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Индекснинг компонентлари бўйича таҳлиллар, жорий сўровларда **харажат** субиндекси ўтган чоракка нисбатан бироз пасайган бўлсада, **даромад** ва **кредит** субиндекси кўрсаткичининг яхшиланганини кўрсатмоқда. **Жамғариш субиндексида** ҳам ўтган чоракларга нисбатан сезиларли ўсиш қайд этилди.

<sup>1</sup> Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.


## Даромад субиндекси.

**Респондентларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари яхшиланиб бормоқда.**


2021 йилнинг III чораги якуни бўйича ўтказилган сўровда респондентларнинг келгуси даромадлари бўйича кутилмалари II чорақдаги 7,3 банддан 8,8 бандгача юқорилади.

Кузатувларга кўра, сўровда иштирок этган даромадлари **7 млн. сўмгача** бўлган респондентлар улуши жамига нисбатан **86 фоизни** ташкил этмоқда (*II чорақ якунлари бўйича - 83 фоизга тенг*) (2-расм.).

**2-расм. Респондентларнинг ўртача ойлик даромадлари (бир оила учун)**



**3-расм. Даромадлар ҳудудлар кесимида**



*Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.*

Бунда, иштирокчиларнинг қарийб **70 фоизи** даромадларининг асосий манбаи **ойлик иш хақи**, **15 фоизга** яқини эса **тадбиркорлик фаолиятидан** олинадиган даромадларга тўғри келишини таъкидлашган. **Хориждан пул ўтказмаларни** қайд этган респондентлар улуши эса **3,4 фоизга** тенг.

Шунингдек, ҳудудлар кесимида ҳам расмий ойлик иш хақи асосий даромад манбаи эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, Тошкент шаҳри (**68,8 фоиз**), Бухоро (**61 фоиз**), Андижон (**58,7 фоиз**) ва Тошкент вилоятлари (**58,1 фоиз**) респондентлари жавобаларида ойлик моашнинг асосий даромад сифатида юқори улушлар қайд этилган.

**Тадбиркорлик фаолияти** шуғулланишни қайд этган респондентларнинг катта қисми Навоий, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Респондентларнинг даромадлар бўйича кутилмаларининг яхшиланиши, хусусий сектор аксарият соҳаларида иқтисодий фаолликнинг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади.


Жумладан, январь-сентябрь ойларида чакана савдо товарларининг айланмаси ва хизматларнинг ўсиши ўтган йилга нисбатан мос равишда **9,8 ва 19,5 фоизга тенг бўлди**. **Аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 10,4 фоизни ташкил этди**.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қўпчилик респондентларнинг келгуси давр учун иқтисодий кутилмалари ҳам ижобий шаклланиб келмоқда.


Таҳлилларга кўра, жами иштирокчиларнинг **50 фоизга** яқини келгуси 12 ойда мамлакатимиз иқтисодиёти учун яхши давр бўлишини қайд этишди (*II чорак якунлари бўйича 43 фоиз*).

Шунингдек, респондентларнинг **47 фоизи** ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар яқин 3 йилда ҳам давом этишини ҳамда ижобий натижалар беришини билдиришган (*II чорак якунлари бўйича 42 фоиз*).

**4-расм. Респондентларнинг келгуси 12 учун мамлакатимиз иқтисодиёти бўйича кутилмалари**



**5-расм. Респондентларнинг яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлар бўйича кутилмалари**



Бундан ташқари, сентябрь ойида ойлик иш ҳақиларнинг оширилиши дастлаб бюджет ташкилотлари ҳодимларининг ойлигига акс этган бўлса, маълум даврдан сўнг **хусусий сектор ҳодимларининг ҳам даромадлари ошишига таъсир кўрсатади**.

Юқоридаги ҳолатлар респондентларнинг **келгуси даромадлари қўпайиши бўйича кутилмаларини яхшиланиб боришига хизмат қиласади**.

## Кредит субиндекси


Келгуси 12 ойда респондентлар янги кредитга бўлган талабнинг ортиб боришини кутишмоқда.

Кредит субиндекс ўтган чоракка нисбатан 0,8 бандга яхшиланиб, 10 бандни ташкил этди. Буни, келгусида респондентларнинг микрокредитлар, микроқарзлар, шунингдек автокредит ва ипотека кредитларига талаби ошиб бориши билан изоҳланиши мумкин.

6-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши

II-чорак

III-чорак



Сўров натижаларига кўра, жами респондентларнинг катта қисми, яъни **60 фоизи** келгуси ойларда янги кредит олишга эҳтиёжлари мавжудлиги таъкидлаган.

2021 йилнинг II чорагида респондентларнинг даромади 1-3 млн. сўм ташкил этувчи қисқми кредитга бўлган талаби юқорилиги қайд этишган бўлса, III чорақда 3-5 млн. сўм ва 5-7 млн. сўм даромадли респондентларда ҳам кредитларга бўлган эҳтиёжи сезиларли ортганлиги кузатилди.

Айни пайтда, январь-сентябрь ойларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми **1,5 бараварга** ошди. Бунда, микрокредитлар, микроқарзлар ва овердрафт кредитлари ўсиши мос равища **2,3, 1,7 ва 2,7 баробарга** тўғри келди.


## Харажат субиндекси

**Кўпчилик респондентлар келгусида харажатлари кўпайишини режалаштирганлар.**

Келгуси ойларда респондентларнинг харажатлари ўсиши бўйича кутилмалари ўтган чорак билан солиширганда **7,9 бандгача** пасайган бўлса-да, респондентларнинг катта қисми (71 фоизи) харажатларининг кўпайишини таъкидлашган.

Шу ўринда, харажатлар ўзгаришини кенгрөң таҳлил қилиш мақсадида, II ва III чоракдаги респондентларнинг келгуси давр учун йирик харажат/харидларни амалга ошириш бўйича режалари солиштирилди ва ушбу икки давр учун тафовут ҳисобланди.

#### 7-расм. Ўтган ва келгуси 12 ойда йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Ўрганишларга кўра, жорий III чоракда келгуси ойлар учун даволаниш, автомобиль, уй-жой, мебеллар ва бошқа йирик харидларни режалаштираётган респондентлар улуши **II чоракка нисбатан бироз кўпайган**.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, келгусида респондентларнинг йирик харид/харажатлари бўйича кутилмалари пандемия билан боғлиқ вазиятнинг барқарорлашуви ва иқтисодиётда соҳалар фаолиятининг тикланиб боришига мувофиқ тарзда яхшиланиб боради.


#### Жамғариш субиндекси

**Келгусида жамғаришни режалаштираётган респондентлар улуши ошиб бормоқда.**


Таҳлилларга кўра, аксарият респондентлар (*жамига нисбатан 45 фоиз*) ўз жамғармаларини 3 ойгача етиши мумкинлигини таъкидлашган.

Жумладан, жамғармалари **1 ойгача** етадиган респондентлар улуши **28 фоизни** ташкил этгган бўлса, **1-3 ойгача** бўлган давр учун ушбу кўрсаткич **16 фоизга** teng.

## 8-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси



## 9-расм. Даромадлар кесимида жамғарманинг етарлилик даражаси



*Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.*

Бироқ, жамғармалари мавжуд бўлмаган респондентлар улуши (42 фоиз) юқорилигича қолмоқда. Шу ўринда, даромадлар кўпайган сари жамғармаларининг етарлилик муддати ҳам ошиб борган (9-расм).

## 10-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари



*Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.*

Ўрганишларга кўра, **52 фоизга** яқин респондентлар келгуси давр учун **жамғармалари кўпайишини таъкидлашган**. Ушбу кўрсаткич ўтган II чорак натижалари билан солиштирилганда, ижобий жавоблар ҳиссаси **6 фоиз бандга** яхшиланган.

Қайд этиш жоизки, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган жозибадор депозит турлари ва улардаги юқори даромадлилик, аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш ҳамда омонатга йўналтиришни қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, жисмоний шахслар учун ўртacha тортилган депозит фоиз ставкаларининг йил бошида **17 фоиздан** сентябрь ойида **20,3 фоизгача** ўсган бўлса, реал даромадлик даражаси **6-8 фоизни** ташкил


этди. Шунингдек, аҳолининг инфляцион кутилмалари ва сезилган инфляциясини инобатга олган ҳолда ҳисобланган реал фоиз ставкалар 3-4 фоизлик даражада сакланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда вакцинация жараёнлари фаол амалга оширилаётганига қарамасдан касалланиш ҳолатлари ҳалигача учраб турибди. Бу ҳолат, келгусида **даромадлари ва харажатлари ўзгариши бўйича ноаниқликларни** маълум даражада сақлаб қолиб, респондентларнинг кўпроқ жамғаришга мойиллигини оширади.

## Оптимистик ва пессимитик жавоблар индекси

**Оптимистик ва пессимилик жавоблар индекси**<sup>2</sup> бу респондентларнинг ижобий ва салбий жавоблари ўртасидаги фарқдир. Ушбу кўрсаткич сўровда иштирок этган респондентларнинг истеъмол кайфияти трендини баҳолашга ёрдам беради.

## **Респондентларнинг оптимистик ва пессимистик жавоблари индекси**



Респондентларнинг келгуси **12** ой ва яқин **3** йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши бўйича кутилмалари сўралганда, оптимистик жавоблар кўрсаткичи мос равишда **29,8** ва **38** бандни ташкил этди.

Шунингдек, респондентларнинг даромадлари, харажатлари ва жамғармалари ўзгариши борасидаги кутилмалари бўйича оптимистик ва пессимистик жавоблар тафовути мусбат кўрсаткичда сакланиб қолмоқда.

Умуман олганда, III чорак якунлари бўйича респондентларнинг оптимистик ва пессимистик жавоблар фарқи **32,3 бандгача** яхшиланди (**II чорак якунлари бўйича 26,4 бандни ташкил этди**).

<sup>2</sup> Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари оптимистик жавобларнинг улуши ортиб боради.